

**ПЕДАГОГЛАРНИ КАСБИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯНГИ
МЕТОДИКАЛАРГА ЎРГАТИШ МИЛЛИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28/3012.2019.Ped.68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПЕДАГОГЛАРНИ КАСБИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА
ЯНГИ МЕТОДИКАЛАРГА ЎРГАТИШ МИЛЛИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 37.091.33

СИРАДЖЕВ ИЛХОМ ТОХИРОВИЧ

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ
ДИРЕКТОРЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.07 – Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Сираджев Илхом Тохирович

Умумий ўрта таълим ташкилотлари мактаб директорларининг молиявий
фаолиятини такомиллаштириш 3

Сираджев Илхом Тохирович

Усовершенствование финансовой деятельности директоров школ общего
среднего образования 23

Siradjev Ikhom Tokhirovich

Improving the financial activities of directors of schools of general secondary
education 44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 48

**ПЕДАГОГЛАРНИ КАСБИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯНГИ
МЕТОДИКАЛАРГА ЎРГАТИШ МИЛЛИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28/3012.2019.Ped.68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПЕДАГОГЛАРНИ КАСБИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА
ЯНГИ МЕТОДИКАЛАРГА ЎРГАТИШ МИЛЛИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 37.091.33

СИРАДЖЕВ ИЛХОМ ТОХИРОВИЧ

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ
ДИРЕКТОРЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.07 – Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Ped2050 рақам билан
рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси А.Авлоний номидаги педагогларни касбий
ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институтида
бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш
веб-саҳифасида (www.avloniy.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида
(www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Шарифходжаев Усман Улфатович иқтисод фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Раҳманкулова Наргиз Хаджиакбаровна педагогика фанлари доктори, профессор Назарова Фотима Хакимовна иқтисод фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга
ўргатиш миллий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.28/30.12.2019.Ped.68.01 рақамли
Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади.
(Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 6-уй. Тел.: (99871) 227-12-
52; факс: (99871) 246-06-69; Web-site:www.avloniy.uz; e-mail: avloniy@xtv.uz.)

Диссертация билан Педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга
ўргатиш миллий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин
(_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор
тумани, Зиё кўчаси, 6-уй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69.)

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.А.Юлдашев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М.Д.Пардаева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
п.ф.ф.д

Ш.И.Пахрутдинов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, с.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда мактаб таълимини ривожлантиришда таълим муассасаларини молиялаштириш масалалари таълим учун ажратилган маблағларни самарали ва мақсад сари сарфлашга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бутун дунёда кузатилаётганидек, таълим харажатлари ортиб бориши билан бирга, таълимга ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш ва қўшимча даромад манбаларини топиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис, умумий ўрта таълим муассасалари раҳбар ходимларининг молиявий ва иқтисодий компетентлигини ошириш масаласи ҳар қачонгидан ҳам муҳим масъулий заруратга эгадир.

Бугунги кунда дунёнинг етакчи мамлакатларида мактаб таълими тизимини ривожлантиришга қаратилган илмий ишларда таълим муассасаси раҳбарларининг молиявий компетентлиги ҳамда молиявий фаолияти самарадорлигига жиддий эътибор қаратилмоқда. Мазкур тадқиқотларда таълим муассасаларининг самарали фаолият кўрсатиши ва таълим сифатини таъминлашда муҳим омил сифатида раҳбарларнинг иқтисодий-молиявий фаолияти самарадорлиги ҳамда уларнинг маркетинг-тадбиркорлик, иқтисодий-ҳуқуқий, шунингдек, ахборот-таҳлилий кўникмаларини ривожлантиришга устувор аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш мақсадида амалга оширилаётган туб ислохотлар жамиятнинг мактаб таълимига бўлган талабини қамраб олиш даражасини ошириш билан бирга, таълим ташкилотлари рақобатбардошлигини оширишга қаратилган. Ислохотлар самарадорлигини таъминлаш кўп жиҳатдан «Халқ таълими тизимини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этишга боғлиқ»¹. Бу борада мактаб таълимини ривожлантириш ва замонавий талабларга мос таълим тизимини яратиш бўйича қабул қилинаётган қонун, фармойиш ва қарорларда ҳам мактабларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш, молиявий-иқтисодий фаолиятда шаффофликни, кенг жамоатчиликка очиқ бўлишини таъминлаш, таълим сифатига ҳамда самарасига таъсир қилувчи салбий омиллар ва муаммоларни бартараф этиш учун умумтаълим мактаб раҳбарларининг фаолияти самарадорлигини ошириш вазифалари белгиланмоқда. Мазкур вазифалар бугунги кунда мактаб директорларининг бошқарув ва молиявий фаолиятини такомиллаштириш орқали таълим сифатини ошириш билан боғлиқ илмий тадқиқотларни олиб боришни кун тартибига қўймоқда. Шу нуқтаи назардан, мактаб директорларининг молиявий фаолиятини такомиллаштириш, ривожлантириш механизмларини тўғри йўлга қўйиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 29 апрелдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон «Халқ таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 апрелдаги 243-сон «Халқ таълими тизимидаги ташкилотларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқ таълими ходимлари ҳамда раҳбар кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш, сифатли ва самарали таълим менежментини ташкил этишни такомиллаштириш йўллари ва механизмлари Ж.Ғ.Йўлдашев, Х.Қ.Йўлдошев, Р.Х.Джураев, У.Ш.Бегимкулов, М.Т.Жуманиёзова, С.Т.Турғунов, Ш.Қ.Мардонов, М.Б.Уразова, М.А.Юлдашев, Ш.П.Пулатов, А.Б.Раджиев, Х.У.Дўстмуҳаммад, Ш.И.Низамова ва бошқаларнинг илмий-тадқиқий изланишларида муайян йўналишларга таянилган ҳолда таҳлил қилинган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида таълимни молиялаштиришни ўқувчилар сони ёхуд марказий шаклининг афзалликлари ва камчиликлари ҳақида, бюджетдан ташқари молиялаштириш усуллари ривожлантириш, шунингдек, унда директорнинг роли ҳақида таҳлилий маълумотлар ва таклифларни Ю.Склярова, А.Шарипбаева, Н.Байтугелова, К.Арутюнян, А.А.Арын, С.Б.Месхи, А.М.Изотов, С.Й.Князева, В.Т.Симонянлар томонидан ўрганилган.

Хорижий давлатларда умумий ўрта таълим муассасалари раҳбар ходимларининг иқтисодий-молиявий компетенциясини ошириш, халқ таълимини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни таълим мақсадларига сифатли ва самарали йўналтириш усуллари G.Psacharopoulos, H.A. Patrinos, M.Carnoy, R.G.Davis, Marjoribanks Kevin, Allen Danielle, Claudia Goldin, J. D.Thom, Lewis Terry, D.W.Brinkerhoff, Kuehn Larry, Tatjana Horvat, F.Dembowski, Laney Kennedy, Monica Kirya, Abadzi Helenлар томонидан таҳлил этилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот ташкилотининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши А.Авлоний номидаги Педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти

илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Халқ таълими тизимидаги методистлар, мактаб директорлари ва синф раҳбарларининг малакасини ошириш таълим мазмунини такомиллаштириш “UPGRADE”” ҳамда “Халқ таълими ходимларининг малака рамкасини ва касбий стандартларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумий ўрта таълим муассасалари директорларининг молиявий фаолиятини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умумий ўрта таълим ташкилотларини бошқаришда муҳим бўлган омилларнинг назарий жиҳатларини, жамият молиявий-иқтисодий саводхонлигининг таълим тизими ва жараёнига ижобий таъсирини илмий асосда очиклаб бериш;

таълим муассасаларини самарали бошқаришнинг молиявий-иқтисодий асосларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

халқ таълими муассасаларини молиялаштириш борасидаги муаммоларни ўрганиш, халқ таълими муассасалари фаолиятини такомиллаштириш учун бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш механизмларини такомиллаштириш;

умумий ўрта таълим ташкилотлари директорларининг молиявий фаолиятидаги самарадорлик даражасини ўлчаш ва ошириш йўллари хорижий давлатлар мисолида қиёсий жиҳатдан ўрганиш;

умумий ўрта таълим ташкилотлари директорларининг молиявий фаолияти самарадорлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича метод ҳамда ёндашувларни ишлаб чиқиш;

умумий ўрта таълим ташкилотлари директорлари молиявий компетенциясининг таълим сифати ва самарасига таъсирини белгиловчи хулоса ва таклифлар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумий ўрта таълим ташкилотлари мактаб директорларининг молиявий фаолиятини такомиллаштириш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети умумий ўрта таълим ташкилотлари директорларининг молиявий фаолиятини такомиллаштириш шакллари, усуллари, воситалари ва йўллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида мавзуга оид илмий-тадқиқот ишларини ўрганиш, қиёсий таҳлил, кузатиш, суҳбат, умумлаштириш, моделлаштириш, анкета сўровлари, тест, тажриба-синов натижаларини математик-статистик қайта ишлаш ва таҳлил этиш каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

халқ таълими муассасаларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш механизмлари жамоатчилик (кузатув кенгаши) назоратига асосланган ташқи мониторинг воситаларини киритиш асосида такомиллаштирилган;

мактаб директорларининг таълим сифатига жавобгарлик ва мулкӣ эгалик ҳисси шаклланганлик даражасини аниқлаш мезонлари мактабларнинг молиявий фаолияти ҳамда таълимий натижаларнинг директор молиявий фаолияти самарадорлигига нисбатан ўзаро корреляциясига асосланган баҳолаш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

умумий ўрта таълим ташкилотлари директорларининг молиявий фаолияти самарадорлигини ошириш механизмлари харажатларни мактабнинг таълим сифатига қаратилган ҳар йиллик мақсадли кўрсаткичларига эришишда самарали режалаштириш ва директорнинг молиявий ресурсларни эркин тасарруф этиш ваколатига асосланган оптималлаштириш дастурини жорий этиш орқали такомиллаштирилган;

мактаб директорларининг таълим муассасасини бошқаришдаги функционал вазифаларига қўйиладиган малака талаблари қўшимча молиявий ресурсларни ҳудудий ўзига хосликни инобатга олган ҳолда аниқлай олиш кўникмаси шаклланганлик талабини киритиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим ташкилотлари раҳбарларининг иқтисодий-молиявий компетенциясини ўрганиш борасида хорижий ишлар ва тажриба-синов натижаларидан келиб чиқиб, мактабдаги ижобий муҳит ва таълим сифатининг юқорилиги мактаб директорларининг иқтисодий-молиявий билим савиясига ўзаро боғлиқлиги аниқлаштирилган;

умумий ўрта таълим ташкилотлари директорларининг аксариятида, молиявий компетенция етарли даражада эмаслиги, уларнинг молиявий фаолиятлари ҳисобдорлигининг шаффоф механизмлари тўлиқ жорий этилмагани аниқланган ва мазкур иқтисодий муаммоларни бартараф этиш борасида тавсиялари берилган;

умумий ўрта таълим ташкилотларида бюджетдан ташқари қўшимча даромад манбаларини яратиш йўллари ва усуллари бўйича янги таклифлар ҳавола этилган;

умумий ўрта таълим ташкилотларининг молиявий фаолияти, яъни, даромад ва харажатлар доирасида шаффоф бўлиш, маблағларни аниқ мақсад сари тўғри сарфлашни ўргатиш мақсадида, раҳбар ходимларнинг молиявий компетентлигини ривожлантириш учун мунтазам ўқитиш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича ҳулосалар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишнинг ҳолисона (объектив) ўрганилганлиги, фикр ва ёндашувлар асосланган, расмий манбаларга таянилганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида ўрганилганлиги, унинг ишончлилиги текширилганлиги, шунингдек, ҳулоса, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг пировард натижалари ўлароқ, унда ўрганилган муаммолар,

уларнинг ечими сифатида, қўлга киритилган ютуқларнинг иқтисодий жиҳатдан қимматдорлиги халқ таълими раҳбар ходимларининг молиявий фаолияти самарадорлигини ошириш, таълимни молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини яратишни такомиллаштиришда, мактаб иқтисодий фаолиятини тартибга солишда муҳим илмий аҳамият касб этиши билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўрганилган муаммо ва тажриба-синов хулосалари келгусида бу каби илмий ишларни ривожлантиришда қўшимча манба бўлиши, мактаб директорларининг молиявий фаолияти самарадорлигини ошириш механизмларини яратишда ўқув-услубий қўлланма, дастур ва адабиёт вазифасини бажариши, халқ таълими тизимидаги ислохотларда, қонун ва қарорлар қабул қилишда у ёки бу жиҳатлари билан асос бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумий ўрта таълим ташкилотлари директорларининг молиявий фаолияти самарадорлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришга оид тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

халқ таълими тизими раҳбарларининг молиявий бошқарув фаолиятида шаффофлик, очиқлик ҳамда ҳисобдорлик тамойилларини жорий этиш мақсадида директор жамғармаси фаолиятини жамоатчилик (кузатув кенгаши) назоратига асосланган ташқи мониторинг воситаларини жорий этишига оид таклифдан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2019 йил 11 майдаги буйруғи билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим муассасасининг Кузатув кенгаши ҳақидаги Намунавий Низом”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 10 февралдаги №03-03/1-385-сон маълумотномаси). Натижада, халқ таълими муассасаларининг молиявий фаолияти ҳисобдорлиги ва шаффофлигини назорат қилувчи Кузатув Кенгаши ҳуқуқ ҳамда ваколатлари аниқлаштирилган ва тасдиқланган;

мактаб директорларининг таълим сифатига жавобгарлик ва мулкий эғалик ҳисси шаклланганлик даражасини аниқлашнинг такомиллаштирилган мезонлардан “Умумий ўрта таълим ташкилотлари раҳбарларини сертификациялаш тўғрисида Низом” лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 10 февралдаги 03-03/1-385-сон маълумотномаси). Натижада, амалда фаолият юритаётган мактаб директорларини менежерлик касбий фаолиятини сертификациялашда молиявий компетентлиги шаклланганини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган;

мактабларда умумий ўрта таълим сифатини ошириш мақсадида мактаб харажатларини мактабнинг таълим сифатига қаратилган мақсадли кўрсаткичларига эришишда мақсадли режалаштириш ва директорга молиявий ресурсларни эркин тасарруф этиш ваколатини бериш ҳамда шу асосда харажатларни доимий оптималлаштириш дастурини жорий этиш орқали директорларнинг молиявий фаолияти самарадорлигини ошириш

механизмлари такомиллаштирилиши асослаб берилган (Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 10 февралдаги 03-03/1-385-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 апрелдаги 343-сон қарори лойиҳасига Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларида пуллик таълим хизматларини кўрсатиш бўйича бир нечта норматив асослар киритилган;

халқ таълими тизими умумий ўрта таълим ташкилотлари раҳбарларининг бошқарув фаолиятида молиявий компетентлигига қўйиладиган талаблардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 апрелдаги 243-сон Қарори билан тасдиқланган “Халқ таълими тизимидаги ташкилотларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом” лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 10 февралдаги 03-03/1-385-сон маълумотномаси). Натижада, Халқ таълими тизимидаги ташкилотларда бюджетдан ташқари жамғариладиган маблағларни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича механизм ҳамда Халқ таълими муассасалари ва ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш схемаси жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 151 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети аниқланган, ишнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ҳамда амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар, шунингдек, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Халқ таълими ташкилотлари бошқарувида молиявий-иқтисодий билимларни шакллантиришнинг назарий-методик жиҳатлари”** деб номланган биринчи бобида халқ таълими муассасаларини бошқаришда муҳим бўлган омилларнинг назарий жиҳатлари, молиявий

саводхонлик, таълимни молиялаштиришдаги муаммолар ўрганилди. Маълумки, таълим муассасаларига таъсир қиладиган турли хил бошқарув назариялари мавжуд. Тадқиқотда классик бошқарув назарияларидан тортиб замонавий бошқарув назарияларигача бўлган кўплаб илмий асосларнинг таълим ташкилотларидаги ўзига хос таъсири ва аҳамияти кўрсатиб ўтилди. Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатадики, таълим муассасаларини бошқаришда тизимли бошқарув назарияси муҳим ўринга эгадир. Тизим назариясига кўра, бошқарув ташкилотдаги барча таркибий компонентларнинг ўзаро боғлиқлигига урғу берилган ҳолда, уларни мувофиқлаштириш ва бошқариш назарда тутилади. Ташкилотдаги битта компонентдаги ўзгариш бошқа барча компонентларга таъсир қилиши мумкин. Тизим таркибидаги бир компонент фаолиятида самарадорлик ва унумдорлик паст бўлса, бутун тизимнинг ривожланишини секинлаштиради ёки кутилган натижаларни бермайди. Таълим муассасаларида турли хил бўлинмаларни (масалан, мактаб маъмурияти, мактаб таркибидаги бўлимлар, синфлар) кичик тизим сифатида кўриб чиқиш мумкин. Ушбу бўлинмалар ички тизимга кирувчи таълим вазирлиги, халқ таълими бошқармалари ва ташқи тизимга кирувчи атрофидаги тизимлар (жамоатчилик, қишлоқ ёки шаҳар муҳити) билан соғлом алоқаларни ўрнатиш орқали ва ҳар бўлинма ўзаро келишган ҳолда аниқ мақсадларини умумий мақсадга хизмат қиладиган тарзда бажаришга ҳаракат қилишлари кўзда тутилади.

Юқоридагилардан келиб чиқилган ҳолда, мактаб молиявий ҳолатига таъсир қилувчи омиллар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкинлиги илгари сурилмоқда:

- 1) Давлат таълим сиёсати ва таълим институтларининг фаолияти;
- 2) Мактаб раҳбариятининг иқтисодий-молиявий компетенцияси;
- 3) Ўқитувчилар ва ота-оналарнинг молиявий саводхонлиги;
- 4) Атроф-муҳит (ҳудуд ва аҳолининг ижтимоий-иқтисодий) ҳолати.

Ушбу омиллардан энг муҳимларидан бири мактаб директорининг иқтисодий-молиявий компетенцияси ҳисобланади. Шу боис, тадқиқотчи Петерсонга кўра, мактабдаги муваффақият учун агар бир кишини кўрсатиш керак бўлса, у ҳам, ҳеч шубҳасиз, мактаб директоридир, дея таъкидланади.

Тадқиқотда ўқитувчилар ва ота-оналарнинг молиявий саводхонлиги ҳам таълимни молиялаштиришда катта аҳамиятга эга эканлигига урғу берилди. Жумладан, уларнинг мактабдаги барча молиявий ишларида фаол иштирок этиш, ресурсларни тўғри тақсимлашда, турли талон-торожликларнинг олдини олишда, мактабнинг эффектив бюджет тизимини яратишда, ҳисобдорлик ва шаффофликнинг ортишида ҳамда барчанинг мактаб молиявий ҳолати бўйича масъулиятининг юксалишида катта роль ўйнаши кўрсатиб ўтилди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг 6 бандида, Молия вазирлиги, Марказий банк, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигига

“Молиявий ва инвестициявий саводхонлик” дастурини амалга ошириш вазибаларига алоҳида аҳамият қаратилди.

Таълимнинг иқтисодий асослари таълимни молиялаштириш билан белгиланади. Шу боис, тадқиқотда таълимни молиялаштиришнинг уч хил кўринишига алоҳида тўхтаб ўтилди: Биринчиси, “тўғридан-тўғри молиялаштириш усули” бўлиб, таълим харажатлари давлат бюджети ҳисобидан таъминланади. Иккинчиси, “билвосита (хусусий) молиялаштириш усули” бўлиб, таълим учун молиявий ресурслар ўқувчиларнинг оилалари томонидан шакллантирилади. Учинчиси, “аралаш молиялаштириш усули” бўлиб, бу – таълимдан фойда оладиган таълимнинг ҳар бир сегменти томонидан тўғридан-тўғри (давлат) ёки билвосита (хусусий) манбалар орқали молиялаштириш ҳисобланади.

Тадқиқотимизда таъкидланганидек, бутун дунёда таълимнинг асосий манбаси давлат бюджети ҳисобланади. Шу билан бирга, таълим учун давлат бюджети ҳар бир давлатда ўзига хос кўринишда ажратилади. Аммо, улар одатда икки гуруҳга бўлинади: биринчиси, бюджет маблағлари тўғридан тўғри мактаб ҳисоб рақамига ўтказилади ва ушбу маблағлар учун мактаб директорлари бевосита жавобгар бўлади ва иккинчиси, бюджет маблағлари марказлашган ҳолда вилоят ёки туман-шаҳар халқ таълими бошқармаларига ўтказиш орқали амалга оширилади ҳамда ушбу маблағлар учун вилоят ёки туман-шаҳар халқ таълими бошқармалари бевосита жавобгар ҳисобланади. Мазкур бобда, шунингдек, ушбу молиялаштириш усуллариининг ютуқ ва камчиликлари борасида (хорижий тажриба сифатида Жанубий Африка ва Туркия мисолида) атрофлича ўрганишга ҳаракат қилинди.

Диссертациянинг **“Халқ таълими тизими умумий ўрта таълим ташкилотлари ходимларининг молиявий фаолиятини самарали ташкил этиш механизмлари”** деб номланган иккинчи бобида таълимни молиялаштиришнинг умумий ўрта таълим ташкилотлари раҳбар ходимларининг молиявий фаолияти самарадорлигига таъсири, молиявий компетентни ривожлантириш механизмлари бўйича ёндашувлар, таълим фаолияти учун бюджет ва бюджетдан ташқари қўшимча маблағларни жалб қилиш механизмлари таҳлил қилинди ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотда бутун дунёда таълимни молиялаштириш энг катта муаммо эканлиги очиб берилди. Бир томондан, таълим хизматлари ва харажатлари ортиб борар экан, бошқа томондан, унга етарли ресурслар камайиб бормоқда ёки етишмаётир. Бу, айниқса, ривожланаётган давлатларда янада қийин ҳамда муаммолидир. Ўрганишлар натижалари ўлароқ, шу нарса аён бўлдики, ривожланаётган давлатларда таълим учун нафақат молиявий ва иқтисодий ресурслар етишмайди, балки мавжуд ресурслардан ҳам кўзланган мақсад сари тўғри, оқилона ва фойдалана олинмаётганлигини кузатиш мумкин. Нафақат бюджет маблағлари, балки бюджетдан ташқари маблағларнинг таълим мақсадларида ишлатилишида ҳам жуда кўплаб жиддий муаммо ва камчиликлар борлиги таъкидланмоқда.

Шу боис, тадқиқотчилар халқ таълими раҳбар ходимларининг молиявий компетентлигини ривожлантириш механизмлари бўйича қуйидаги ёндашувларни илгари суради:

мактаб молиявий ишларида нафақат директор, балки назорат тузилмалари, ўқитувчилар ва ота-оналарнинг масъулиятини ошириш (тадқиқотчилар Мгадла Хаба ва Думисане Нгубане);

мактаб молиявий барқарорлигини таъминлашда директорларда бюджетдан ташқари манбаларни яратиш юзасидан зарурий билим ва кўникмаларини такомиллаштириш (Ричард Аллен ва Димитар Радев; Юлия Склорова; Ўзчелик; Ментеше, Уюстун, Гўнделен);

директорларда мактаб молиявий фаолиятини режалаштириш, ҳисобот ва аудит механизминини ташкил этиш билимларини такомиллаштириш (Татьяна Хорват);

мактаб директорларида ҳам назария, ҳам амалиётни бирлаштирган ҳолда мактаб молиявий менежментини ривожлантириш (тадқиқотчилар Филистерс, Мулва ва Кяло);

мактаб директорларида мактаб сарф-харажатларини оптималлаштириш орқали молиявий барқарорлигини таъминлаш кўникмаларини шакллантириш (Лайн Кенниди);

мактаб молиявий ишларида АКТларни кенг жорий қилиш (тадқиқотчилар Исаак Пол ва Диреш Кулшреста);

умумтаълимда эҳтимолий ўғирлик ва коррупциявий ҳолатларни тўлиқ ўрганиш ҳамда уни бартараф этиш йўллари қидириш (тадқиқотчи Моника Киря);

мактаб молиявий ишларида шаффофлик ва самарадорликни ошириш учун ўқитувчилар иштирокини таъминлаш (тадқиқотчи Ларри Кюн);

мактабларни тўғридан тўғри молиялаштириш орқали таълим сифати ва самарасини ошириш (тадқиқотчилар Балкар, Кючюкбере, Акшаб) билан бир қаторда, мактаб назорат комиссияси ролини ошириш (Хўшгўрур ва Арслан)

талаб ва тақлифнинг эластиклигидан келиб чиқиб, нодавлат таълим мактаблари раҳбарларининг иқтисодий компетентлиги юқори бўлади, чунки уларда бошқарув ва мотивациявий имкониятлар кўп ва кучлидир (Ш.Низамова).

Ушбу хорижий олимларнинг ишлари шуни кўрсатадики, халқ таълими раҳбар ходимларининг молиявий компетентини ошириш борасида турли фикр ва ёндашувлар бор. Бу ҳар бир давлатнинг, ҳудуднинг иқтисодий-молиявий ҳолатлари, молиялаштириш муаммолари, бошқарув тури ва ҳоказо омиллар билан белгиланади. Шундай бўлса-да, ушбу ва бошқа тадқиқотлар асосида умумий ўрта таълим ташкилотлари директорларининг молиявий компетентлигини ривожлантириш ҳамда молиявий фаолияти самарадорлигини ошириш механизминини такомиллаштириш бўйича тақлифлар берилган.

1. Молиялаштиришни ривожлантириш:

1.1. Бюджет маблағлари:

давлат бюджетидан ЯИМнинг 5 фоизидан, йиллик ҳукумат харажатларнинг 15 фоизидан кам бўлмаган ҳолда халқ таълимини молиялаштириш;

бюджет маблағларини самарали ва сифатли сарф-харажатларини қатъий назорат қилиш. Бунда инсон омилини камайтиришга катта аҳамият қаратиш;

мактабларга ажратилган бюджет маблағларининг маълум бир қисмини (молиялаштириш ҳажмидан келиб чиқилган ҳолда) хўжалик ишлари ва мактаб молиявий ҳолатини яхшилашга ажратиш ва бунда мактаб директорининг молиявий мустақиллигини таъминлаш;

мактаб директорлари ва ўқитувчиларига қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга кўпроқ инвестиция киритиш лозим.

1.2. Бюджетдан ташқари маблағлар:

мактаб мол-мулкидан самарали фойдаланиш ва улардан даромад топишни йўлга қўйиш;

тадбиркорлик ва турли пуллик хизматларни йўлга қўйиш. Бунда, айниқса, мактаб ошхонаси, спорт заллари ҳамда ер майдонидан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш;

мактабнинг бюджетдан ташқари даромадларини 100 фоиз ўзи тасарруф қилиши ва ушбу маблағларни сарф-харажати учун тўлиқ ваколат Кузатув Кенгашига берилиши;

мактабнинг йиллик бюджет режасини ишлаб чиқишда, квартал ҳамда йиллик ҳисоботларида ўқитувчилар иштирокини кенг жалб қилиш. Бу даромад ва сарф-харажатларнинг шаффофлиги ва самарадорлигини оширади;

бюджетдан ташқари маблағларни назорат қилиш туман (шаҳар) халқ таълими бошқармалари ва молия бошқармаларига юклатилиши лозим.

2. Малака ошириш:

мактаб директори ва директор ўринбосарларини мунтазам молиявий саводхонлик бўйича қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш;

мактаб директорининг молиявий компетентлигини ошириш ва ривожлантириш учун муҳим бўлган иқтисодий-молиявий билим-кўникмалар ҳамда амалий ишларни тажриба алмашиш кўринишида такомиллаштириш лозим.

3. Ҳамкорлик (Халқ таълими вазирлиги, республика, вилоят ва туман-шаҳар таълим ташкилотлари орқали):

таълимни ривожлантириш борасида халқаро ва маҳаллий ҳамкорликни ривожлантириш, турли инвестиция ва инновацияларни кенг миқёсда жалб қилиш;


бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағларни топиш ва сарф-харажатларида жаҳон тажрибасини ўрганиш, бу борада маҳаллий, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан яқин алоқаларни йўлга қўйиш лозим.

4. Натижа:

умумтаълим мактабларининг моддий ва иқтисодий ҳолати ҳар томонлама яхшиланади;

таълим муҳити соғломлашади, таълим сифати ва самарадорлиги ошади.

Мазкур механизмдан келиб чиқиб умумтаълим мактаблари директорларида молиявий билим ва кўникмаларни шакллантириш учун умумий ўрта таълим ташкилотлари директорларининг молиявий фаолияти самарадорлигини ошириш модели ишлаб чиқилди. Тадқиқот ишини олиб боришда мактаб директорининг молиявий компетентлигини ривожлантириш учун коммуникативлик, креативлик, мослашувчанлик, танқидий фикрлаш, ташаббускорлик ва тадбиркорлик, шаффофлик ва бошқа тамойиллардан, шунингдек, мақсадли компонент, мазмунли ва таҳлил, процессуал ва технологик, баҳоловчи компонентлардан фойдаланилган (1-расмга қаралсин):



1-расм. Умумий ўрта таълим ташкилотлари директорларининг молиявий ғаолияти самарадорлигини ошириш модели

Диссертациянинг “Халқ таълими тизими умумий ўрта таълим ташкилотлари раҳбар ходимларининг молиявий ғаолиятини ташхислаш ва такомиллаштиришга оид тажриба-синов натижалари” деб номланган учинчи бобида халқ таълими муассасаларининг молиявий ғаолияти самарадорлигини ташхислаш ва такомиллаштиришга оид ишлар методологияси ва тажриба-синов натижалари очиб берилди. Тадқиқот методи сифатида сўров (survey) ва феноменология, тест, статистик тадқиқот методларидан фойдаланилди. Сўров (survey) тадқиқоти “саволларга жавоб

бериш орқали шахслар намунасида маълумот тўплаш” дея таърифланади. Феноменологик таҳлил методи эса бу – интуитив, чекланмаган, пухта, тавсифловчи, таҳлилий фарқларни аниқлаш ва онгли равишда ҳаёт ҳодисаларни ойдинлаштиришдан иборат. Тест ва статистик усуллар билан директорлардаги молиявий компетентлик даражалари аниқлаштирилди. Ушбу тадқиқот методларидан келиб чиқиб, тўрт босқичда тажриба-синов жараёни ўтказилди.

Биринчи босқичда, умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарларининг молиявий компетентлигини белгилаш ҳамда молиявий самарадорлигини аниқлаш учун беш хил турдаги сўровнома ишлаб чиқилди. Сўровномани тузишда, оддий ва тушунарлиликка урғу берилиб, турли математик ҳамда молиявий қоидалар, рақамлардан нисбатан узоқлашилди. Чунки, мактаб директори молиячи-мутахассис эмас, балки таълимини бошқарувчидир. Шу сабабли, муайян сўровномалар орқали мактаб директорининг ўзидан, шунингдек, директор ўринбосарлари, ўқитувчилар ҳамда ота-оналардан ҳам мактаб директорининг молиявий компетентлиги қай даражада эканлигини аниқлаб олишга ҳаракат қилинди. Сўровномаларнинг № 1 ҳамда № 2 лари мактабнинг қўшимча даромадлари ва харажатларини аниқлашга бағишланган бўлса, №3, №4 ҳамда №5 лар мактаб директорининг молиявий фаолияти самарадорлигини аниқлашга қаратилган. Сўровномаларда жами 72 та савол тузилган бўлиб, уни тўлдириш учун ўртача вақт 7-15 минут қилиб олинди.

Иккинчи босқичда, сўровномани ўтказиш учун 8 та туман, шаҳарда жами 13 та мактаб танлаб олинди. Сўровномада иштирок этган 13 та мактабдан жами бўлиб 1710 иштирокчи қатнашди. Ўтказилган сўровноманинг 1450 таси таҳлил қилиш учун яроқли ҳамда 260 таси яроқсиз деб топилди.

Учинчи босқичда, асосий эътибор сўровнома маълумотлари ва натижаларини таҳлил қилишга қаратилган бўлиб, мазкур тадқиқий жараён ушбу илмий ишнинг бир бутун мазмун-моҳияти билан боғлиқ ҳолда, унинг асоси ҳамда муҳим қисмини ташкил этади. Сўровнома маълумотлари ва натижаларини таҳлил қилишда сифат ва сон методидан (яъни аралаш метод) фойдаланилди. Сўровномадаги маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда натижаларнинг статистик тўғрилигини текшириш учун Mann Whitney U ва Cronbach Alfa тестларидан ҳам фойдаланилди.

Тўртинчи босқичда, умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарларининг молиявий компетентлигини аниқлаш ва фаолият самарадорлигини ошириш борасида олиб борилган синов-тажриба тариқасида ўтказилган сўровнома натижалари асосида молиявий компетенцияларни ривожлантириш ишлари олиб борилди. Натижада, мактаб директорларининг молиявий компетенти ошди, буни бюджетдан ташқари даромад манбаларининг сони ва сифати ҳар жиҳатдан ошгани ҳамда таълим муассасаларининг молиявий ишларида шаффофлик ва тартибли ишлаш йўлга қўйилганлигидан кўриш мумкин. Бунинг натижасида таълим муҳити яхшиланиб, таълим сифати ва самарасида ижобий ўзгаришлар юз бера бошлади.

Ўзбекистонда халқ таълими марказлаштирилгани ҳолда, деярли тенг молиялаштирилишига қарамай, қуйидаги “нега баъзи мактабларда мактаб муҳити, шароити, кўриниши, моддий таъминоти яхши, баъзиларида эса қоникарсиз?” деган охирги саволга бизнинг жавобимиз умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарларининг иқтисодий-молиявий компетентлигидаги фарқлар билан белгиланиши мумкин. Мазкур фараз (гипотеза)ни тасдиқлаш учун бешта сўровнома шакллантирилди ва натижалари асосида қайта ўқитилди.

Биринчи сўровнома (№1) *Мактабларнинг бюджетдан ташқари асосий даромадлари ҳақида* бўлиб, унда мактабларда бюджетдан ташқари даромад манбалари мавжуд ёхуд мавжуд эмаслиги, уларнинг турлари ва аҳамиятини аниқлашга ҳаракат қилинди. Иккинчи сўровнома (№2) *Мактабларнинг бюджетдан ташқари асосий харажатлари ҳақида* бўлиб, бу орқали мактабларда бюджетдан ташқари харажатлар аниқланди ва аҳамияти белгилаб олинди. Учинчи сўровнома (№3) *Мактаб директорининг иқтисодий компетентини ўлчаш тўғрисида* бўлиб, бу мактаб директорларининг иқтисодий компетентини ўлчаш ва аниқлашга қаратилди. Тўртинчи сўровномада (№4) *Мактаб директорининг бюджетдан ташқари молиявий ресурсларни таъминлашда ички ва ташқи тизимлар билан алоқа ўрнатиш ишлари* ўрганилди. Бешинчи сўровномада (№5) *Мактаб директорининг иқтисодий ва бухгалтерия билимлари бўйича компетенциялари юзасидан* тадқиқот олиб борилди.

Сўровнома таҳлили учун мактаблар танлаб олинди ва улардаги иштирокчилар сони қуйидагича ташкил этилди (1-жадвалга қаралсин):

1-жадвал.

Мактаблар ва сўровнома иштирокчиларининг сони

№	Сўровнома ўтказилган мактаблар	№ 1	№ 2	№ 3	№ 4	№ 5
	Тошкент ш.	11	11	204	157	181
1.	Шайхонтоҳур т. 59 ихт. макт.	5	5	51	34	35
2.	Яккасарой т. Глинка к. 118 мактаб	2	2	28	24	22
3.	Яккасарой т. 160 мактаб	2	2	27	18	22
4.	Миробод т. 328 мактаб	1	1	54	29	54
5.	Юнусобод т. 235 мактаб	1	1	44	52	48
	Навоий ш.	14	19	130	135	138
6.	Навоий шаҳар 10 мактаб	1	1	54	51	53
7.	Навоий шаҳар 12 мактаб	4	10	12	10	10
8.	Навоий шаҳар 15 мактаб	3	2	30	29	30
9.	Навоий шаҳар 18 мактаб	5	5	30	30	30
10.	Навоий шаҳар 19 мактаб	1	1	4	15	15
	Хоразм в.	5	5	146	147	147
11.	Хива тумани 8 мактаб	2	2	37	38	38
12.	Боғот тумани 3 мактаб	1	1	55	55	55
13.	Шовот тумани 31 мактаб	2	1	54	54	54
	Жами	30	35	480	439	466

Сўровномада таҳлил учун яроқли деб топилганлар жами бўлиб №1 учун 30 тани, №2 учун 35 тани, №3 учун 480 тани, №4 учун 439 тани, №5 учун эса 466 тани ташкил этди. Сўровнома таҳлилида Тошкент шаҳрида ўтказилган 5 та мактаб, Навоий шаҳрида ўтказилган 5 та мактаб ва Хоразм вилояти бўйича 3 та мактаб танлаб олинди. Мактабларнинг 8 таси шаҳар марказида, 2 таси шаҳар чеккасида ва 3 таси қишлоқда жойлашган. Иштирокчилар таркиби (сўровнома сонига нисбатан) 236 нафари мактаб директори ҳамда директор ўринбосари, 892 таси ўқитувчи, қолган 322 нафари ота-она ва бошқалардан иборатдир. Сўровномани жами 1 450 нафар респондентлар ташкил қилмоқда.

Бу ерда юқорида қайд этилган мактабларда №3, №4, №5-рақамли сўровномаларнинг натижаларини таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Ушбу 3та сўровнома *мактаб директорининг иқтисодий компетенциясини ўрганиши, ички ва ташқи тизимлар билан алоқаларини аниқлаш, иқтисодий ва бухгалтерия билимларини баҳолашдан* иборат бўлиб, уларга жавоб бериш учун кўп сонли танлов имкониятини (ҳеч ҳам, жуда кам, баъзан, тез-тез, ҳар доим) тақдим қилинди. Яъни, салбий (ҳеч ҳам) жавобдан ижобий (ҳар доим) жавобга асосланилди ва иштирокчиларнинг жавоблари ҳисобланиб, фоиз чиқарилди.

